Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 228 (5577). 21 ноябрь, 1975 йил ЖУМА Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози миришкорлари ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йил хирмонига пухта замин яратишмоқда. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Механизатор Ю. Шарипов ҳар куни 10—12 гектар ерни шудгор қилмоқда. А. Абалян фотоси.

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРИМИЗНИ ОШИРАЙЛИК

БУГУН областимиз партия ташкилотлари ва барча коммунистлари ҳаётида катта воқеа. Сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили бошланаётир.

Партиямиз тарихи ва ҳозирги сиёсатини, иқтисодий билимлар асосларини эгаллаш коммунистларнинг ажойиб анъанасидир. Бу анъананинг вужудга келиши партиямиз пайдо бўла бошлаган пайтларга бориб тақалади. Доҳий Ленининг «Кураш иттифоқи» яширин тўгаракларидаги машғулотларни бир эсланг-а! Қатъий қоидага айланиб қолган ана шу анъана кейинчалик КПСС нинг Устав ва Программаларига ёзиб қўйилди, партия съездларининг қарорларида ўз ифодасини топди. «Барча кадрларимиз, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXIV съездида, — тўрмушдан орқада қолмаслик учун доимо ўқишлари, ўз соҳавий-назарий савияларини оширишлари, фан ютуқлари ва илғор тажрибани эгаллашлари керак».

Бу қонуний бир ҳол. Чунки КПСС илмий коммунизм партиясидир. У ўзининг бутун фаолияти давомида даврининг энг илғор таълимоти — марксча-ленинча таълимотга изчиллик билан амал қилиб келмоқда. Революцион назарий билимларни пухта эгаллаш, бу назарияни ижодий ривожлантириш туфайли партиямиз ажойиб ғалабаларни қўлга киритмоқда.

Кейинги йилларда бутун мамлакатдаги каби областимизда ҳам партия, комсомол ва иқтисодий ўқувнинг изчил системаси тобора шаклланиб бораётир. Ўқувнинг бошланғич, ўрта ва олий бўғинлари ажралиб чиқди, раҳбар кадрларни ўқитиш формалари қарор топди. Сиёсий таълим системасида тўгарак ва семинарларнинг синалган формалари билан бирга коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетларининг роли ҳам ортиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги йилларда қабул қилган қарорлари сиёсий ўқув савиясини оширишда катта роль ўйнамоқда. Халқ университетлари ишини яхшилаш, меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни кучайтириш, Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг ўқуви ва Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар тўғрисидаги қарорлар шулар жумласидандир.

Партия комитетлари ўқувни ташкил этиш ва ўтказишда кимларга эътибор беришлари керак!

Машғулотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тингловчиларнинг составига боғлиқ. Турли категория ходимларнинг талаб ва истаклари, уларнинг маълумоти ҳисобга олиниши керак. Бундан ташқари тематиканинг актуаллиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Кўпинча тингловчилар у ёки бу тўгарак, мактаб, семинарларда йилдан-йилга бир хил тема такрорланаверади деб, эътироз билдирдилар. Бу эътирозларда жон бор. Шуни унутмаслик керакки, сиёсий ўқув маълум қоидаларни кўр-кўрона ёдлашдан, қироатхонлик қилишдан иборат эмас.

Партия ташкилотлари машғулотларнинг сиёсий йўналиши, ғоявий-назарий мазмуни ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор беришлари керак. Сиёсий ва иқтисодий таълим кишиларнинг ижодий ташаббусини ривожлантиришга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, резервларни қидириб топиш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишга ёрдам беришига, унумдорликни ўстириб, маҳсулот ва иш сифатини оширишга кўмаклашувга, меҳнаткашларни қамчилик ва хўжасизликка қарши муросасизлик руҳида тарбияланишига эришиш лозим.

Таълимнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида машғулот жараёнида тингловчилар томонидан айтилган таклифлар ва мулоҳазалар мунтазам суратда умумлаштириб турилиши керак.

Янги ўқув йили КПССнинг навбатдаги XXV съездига тайёргарлик босқичига, съезд иши, унинг қарорларини пропаганда қилиш ва амалга оширишнинг бошланғич босқичига тўғри келмоқда. Шунинг учун партия ташкилотлари коммунистларнинг назарий ўқуви, сиёсий маориф ва кенг меҳнаткашлар оммасининг иқтисодий билимларни пухта эгаллашларига ниҳоятда катта эътибор беришлари талаб этилади. Бу ўринда Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳар, Янгийўл, Бўстонлиқ ,Юқори Чирчиқ район партия ташкилотларининг тажрибаси ибратлидир. Улар ўқувнинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу ишга юксак уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрганлар, коммунистлар ўқуви масаласи партия ташкилотларида махсус муҳокама қилинди.

Сиёсий ўқишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан пропагандистнинг маҳоратига боғлиқлигини ҳисобга олиб, жойларда тўгарак ва семинар раҳбарлари состави қайтадан пухта кўриб чиқилди, бу иш тажрибали, етарли билимга эга бўлган кишиларга топширилди. Энг яхши пропагандистлар рағбатлантирилиб, ўқув бошланиши арафасида фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Область партия комитети сиёсий маориф уйи пропагандистлар малакасини ошириш учун бир қатор тадбирлар белгилади. Улар учун муҳим мавзуларда назарий семинарлар, илмий конференциялар уюштирилмоқда. Энг яхши пропагандистлар тажрибаси умумлаштириб борилаётир.

Ўзининг чуқур назарий билими ва ишдаги шахсий намунаси билан ҳурмат-эътибор қозонаётган чирчиқлик химик-инженер Мамлакат Мирзахонова, экономист Лидия Хоботнева, Бекобод металлургия заводининг цех бошлиғи Эркин Раҳметов, пискентлик пахтакор Йўлдош Эргашев, ангренлик пенсионер Е. Золотенкова сингари пропагандистлар номи эндиликда бутун областда ҳурмат билан тилга олинмоқда. Улар тингловчиларга пухта билимлар бериш, машғулотларни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш билан бирга ташкилотчи ва тарбиячи сифатида катта иш олиб борадилар. Бу пропагандистлар тингловчиларга мукобил планлар, социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда актив ёрдам бермоқдалар.

1975—1976 ўқув йили ҳақида масъулиятли йилдир. КПСС назариясини пропаганда қилишни кенгайтириш, КПСС сиёсати ва амалий фаолиятининг мазмунини чуқур тушунтириш, билимлар меҳнаткашларнинг мустаҳкам коммунистик эътиқодига айланишига эришиш, уларнинг ташаббус кўрсатиб партия белгилаган мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун фидокорона кураш олиб боришини кучайтириш партия ташкилотларининг бурчидир. Меҳнаткашлар ғоявий эътиқодининг, сиёсий онглилигининг ўсиши — куч-қудратимиз манбаи бўлиб, коммунистик қурилиш йўлидан олға боришимизда ҳал қилувчи шартдир.

КОЛХОЗ РАИСИ

Вознесенский районидаги Киров номли колхоз Николаев областининг илғор хўжаликларидан биридир. Кейинги йилларда бу колхозда далаларнинг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги сезиларли даражада ошди. Давлатга маҳсулот сотиш кўпайди. Экономикани мустаҳкамлаш йўлидан олға томон катта қадам қўйилди: шу беш йилликда ўртача йиллик даромад саккизинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравардан зиёдроқ кўпайди ва беш миллион сўмга етди. Бу натижалар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришнинг КПСС XXIV съезди томонидан маъқулланган комплекс программасини реализация қилишдаги самарадорликни кўрсатувчи кўпгина далилларнинг биридир.

Қўлга киритилган ютуқларда колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Николаевич Рябошапканинг хизматлари оз эмас. Колхозчилар бу коммунистни ўн саккиз йилдан бери ўзларига бошлиқ қилиб сайламоқдалар. У ишга давлат нуқтаи назаридан қараётганлиги, практиканы фан муваффақиятлари билан бойитишга интилаётганлиги, одамларга жонкуярлиги билан ажралиб турибди. Киров номли колхоз бутун илғор ташаббусларнинг ўзига хос лабораторияси бўлиб қолди. Бу колхознинг тажриба пайкалларида дон экинларининг серҳосил навлари текшириб кўрилмоқда ва кўпайтирилмоқда. Партия ташкилотининг доимий ёрдамига суяниб, активларга таяниб раис жамоат хўжалигини ривожлантиришни моҳирлик билан йўллаб турибди.

Янгиликни яхши ҳис қиладиган одамлар қишлоқларда оз эмас. Одатда коллективлар хўжаликка бошчилик қилиш ҳуқуқини мана шундай ходимларга ишониб топширадилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, колхозларнинг раҳбарлари: Ставрополь ўлкасида Ленин номли колхоз раиси А. Блесков, Ўзбекистонда «Коммунизм» колхози раиси М. Исматов, Молдавияда Киров номли колхоз раиси Д. Чутак, Туркманистонда «Ленинград» колхозининг раиси М. Нуркев, Белоруссияда Чапаев номли колхоз раиси А. Лучко ва бошқалар ўз ҳамқишлоқларининг юксак ишончини шараф билан оқламоқдалар. Ўрта ва ёш авлод вакиллари бу масъулиятли вазифада ветеранлар билан қўлни-қўлга бериб меҳнат қилиб, прогрессив иш методларини дадиллик билан жорий қилмоқдалар.

Партиямиз қишлоқ кадрларига ҳар доим ғамхўрлик қилиб турибди. «Колхозлар ва совхозларнинг раҳбар кадрларини ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида қишлоқ хўжалик органларининг иши тўғрисида» КПСС Марказий Комитети томонидан 1974 йилнинг августида қабул қилинган қарор мана шу катта ғамхўрлик кўринишларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда барча колхоз раисларининг 90 процентдан кўпроғи ва совхоз директорларининг 98 процентга яқини олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари хўжалик раҳбарларининг махсус тайёргарлиги, уларнинг иш услублари ва методларини такомиллаштиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор беришлари керак. Бунда аввало уларни дала ва фермалар маҳсулдорлигини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, колхоз экономикаси барча тармоқларининг рентабеллигини ошириш каби муҳим масалаларни ишнинг кўзини билиб ҳал эта оладиган раҳбарлар қилиб етиштириш тўғрисида бораётир.

Кадрларни танлаш ва жойига қўйиш, уларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялаш партия комитетларининг муҳим бурчидир. Аммо ҳали ҳам ҳамма жойда хўжалик раҳбарларининг иши замон талабларига жавоб берарли даражада деб бўлмайди. Масалан, Курск областида кейинги тўрт йил ичида колхоз раислари ва совхоз директорларидан 248 киши алмаштирилган, шу жумладан 96 киши ўз ишини уддалай олмади, деб вазифасидан бўшатилган. Касторенский ва Тимский районларида хўжалик раҳбарлари айниқса тез-тез ўзгартирилмоқда. Чунончи, Тимский районидаги «Ленинец» ва «Гигант» колхозларида тўрт йил ичида ҳар бир колхозда правление раислари икки мартадан алмаштирилган. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳол маҳаллий партия ва совет органларининг ишга талабчанлик билан қарамаётганликларини кўрсатиб турибди. Юксак талабчанликни раҳбар кадрларни ҳурматлаш ва уларга доимий ёрдам бериш билан қўшиб олиб бориб, бундай кадрларни меҳр-муҳаббат билан ўстириш керак.

Тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилининг охирги ҳафталари ўтиб бормоқда. Қишлоқларда қилинган ишларнинг дастлабки натижалари якунланмоқда, келажакка мўлжалланган планлар тузилмоқда. Кўпгина хўжаликлар бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида яхши ҳосил етиштиришга, халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Бироқ бир қанча хўжаликларда қолоқликка йўл қўйилди, мўлжалдагидан камроқ маҳсулот олинди. Сабаб! Қандай хатоларга йўл қўйилди! Илғорлар ҳам, ўз имкониятларига қараганда камроқ ишлагаилар ҳам бу йилги қишлоқ хўжалик йилининг ва умуман беш йиллиқнинг натижаларини батафсил анализ қилиб чиқиб, янги резервларни топиб тўлароқ ишга солиш, ишлаб чиқариш суръатларини янада тезлаштириш, колхоз экономикасини юксалтириш йўлларини белгилаб олишлари керак. Мутахассисларга, социалистик мусобақа илғорларига таяниб мана шундай анализ қилиш ҳар бир колхоз раҳбарининг бурчидир.

Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги босқичдаги ривожланишида катта сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Колхозлараро кооперацияни ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш тағин ҳам кенгроқ авж олдирилмоқда. Бу эса раҳбар кадрлар олдига янги талаблар қўймоқда. Улар кундалик ишлар билан шуғулланиш билан бирга истиқболни ҳам равшан кўриб туришлари, прогрессив технологияни ва илғор меҳнат ресурсларини изчиллик билан жорий қилишлари, одамларни янгиликни қарор топтиришда актив қатнаштиришлари лозим.

Хўжалик раҳбари обрўли ўртоқ ва тарбиячи, яхши маслаҳатчидир, ҳамқишлоқлар ўз дардларини ва қувончларини айтиш учун унинг олдига келадилар. Кўпгина колхозларнинг раислари чинакам мураббий, юксак маданиятли ва мўътабар кишилар бўлиб, деҳқонлар орасида муносиб обрўга эгадирлар. Лекин бошқача фактлар ҳам учраб туради. «Правда» газетасига келаётган хатларда айтилишича, айрим раислар маъмуриятчиликка йўл қўймоқдалар, коллективнинг фикрини назар-эътиборга олмаётирлар, қўполлик қилмоқдалар. Партия ташкилотлари бундай фактларни четлаб ўтишлари мумкин эмас, улар танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантиришлари, мақтанчоқлик, такаббурлик, бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан аёвсиз бўлишлари лозим.

Барча совет кишилари каби қишлоқ меҳнатчилари ҳам КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар. Ҳозирги вақтда ҳар бир хўжаликда кўкламги экишга яхши уруғликлар тайёрлаб қўйишга, техникани яхшилаб ремонтдан чиқаришга ва далаларнинг унумдорлигини оширишга, чорва қишловини намунали ўтказишга интилмоқдалар. Бу ишга бошчилик қилиш колхоз раисларининг бурчидир. Улар партия ва комсомол ташкилотларининг, мутахассисларнинг ва кенг активларнинг ёрдами билан деҳқонларнинг куч ва ғайратларини йилни муваффақиятли якунлашга сафарбар қилишлари, ўнинчи беш йилликда янги меҳнат бунёдкорликлари учун мустаҳкам негиз солишлари лозим.

(«ПРАВДА» газетасининг 20 ноябрдаги бош мақоласи).

Л. И. БРЕЖНЕВ Ж. ЛЕОНЕНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Италия Республикасининг президенти Жованни Леонени 19 ноябрь куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Италия Ташқи ишлар министри М. Румор қатнашди.

Л. И. Брежнев ва Ж. Леоне Совет—Италия муносабатлари барқарор асосда кўнгилдагидек ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Бу муносабатлар бир-бирини ҳурмат қилиш, яхши ният, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик асосида олиб борилянти. Ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи акти руҳига мос бўлиб тушади. Совет Иттифоқи билан Италия бу ҳужжатни Европа қитъасида тинчликни қарор топтириш йўлидаги тадбирларнинг узоқ вақтга мўлжалланган программаси деб ҳисоблайдилар. Ҳамкорлик борасида тўпланган тажриба турли соҳаларда, шу жумладан сиёсий соҳада ҳам СССР билан Италия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболларига ишонч билан қараш имконини беради.

Л. И. Брежнев ва Ж. Леоне кейинги вақтларда кескинликни юмшатиш ва умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш ишида эришилган натижаларга ижобий баҳо бердилар. СССР билан Италия Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга эришмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўриш ниятида эканликларини изҳор қиладилар.

Суҳбат ишчанлик, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).



Суратда: суҳбат пайтида. В. Мусаэльян фотоси. (ТАСС).

СОВЕТ—ИТАЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 19 ноябрда Кремлда Италия республикасининг президенти Ж. Леоне ҳамда Италия республикаси ташқи ишлар министри М. Румор билан музокараларни давом эттирдилар.

Совет—Италия муносабатларини кенгайтиришга доир муҳим масалалар ва бир қанча халқаро проблемалар ҳақида фикрлашиб олинди. Халқаро вазият ривожининг баъзи муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор берилди. Ҳар иккала томон СССР билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнаши учун интилажагини таъкидлади.

Совет—Италия ҳужжатлари муҳокама қилинди. Совет раҳбарларининг Италия президенти билан олиб борган музокаралари охирида шу ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳужжатларни муҳокама қилиш томонларнинг тамомила бир фикрда эканлигини кўрсатди.

(ТАСС).

КОСМОСДА АВТОМАТИК РАВИШДА ТУТАШТИРИШ

ТАСС АХБОРОТИ

1975 йил 17 ноябрда учирилган ва учувчисиз бошқарилаётган «Союз-20» космик кемаси 1975 йил 19 ноябрда 1974 йилнинг 26 декабридан бери учиб юрган «Салют-4» орбитал илмий станцияси билан автоматик равишда туташтирилди.

«Салют-4» станциясида ва «Союз-20» кемасида ўтказиладиган тадқиқотлар ва тажрибалар программасида ҳар иккала космик аппаратлар биргаликда учиб бораётганда уларнинг конструкциялари, агрегатлари ва борт системаларини ишлатиб, янада такомиллаштириш ва синаб кўриш кўзда тутилади.

«Союз-20» кемаси ер атрофидаги ортибага чиқарилиб, маневр қилдирилгандан кейин космик кема билан станция бир-бирини қидириб топди, яқинлашди, ёндошди ва бир-бири билан туташтирилди. Шуларни бажаришда борт радиотехника воситаларидан ва ҳисоблашҳал қилиш қурилмаларидан фойдаланилди.

«Салют-4-Союз-20» космик комплекси параметрлари қуйидагича бўлган орбита бўйлаб учиб бормоқда:

— ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейда) — 367 километр;

— ер юзасига энг яқин масофаси (перигейда) — 343 километр;

— ер атрофидан айланиб чиқиш даври — 91,4 минут;

— орбитанинг оғиши — 51,6 градус;

Космик комплекснинг борт системалари нормал ишлаб турибди. Ундан олинаётган маълумотлар ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

А. Н. КОСИГИН Ж. ЛЕОНЕ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин 19 ноябрда Кремлда Италия республикасининг президенти Ж. Леоне билан учрашди.

Ҳамкорлик вазиятида ўтган суҳбат давомида Совет—Италия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган халқаро проблемалар қараб чиқилди. Томонлар кейинги вақтларда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар соҳасида ва 1972 йилда маслаҳатлашиб туриш ҳақидаги протоколни амалга оширишда, кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштириш ва бунга муқаррар тус бериш соҳасида СССР билан Италия ҳамкорлигини ривожлантириш ишида эришилган натижаларга ижобий баҳо бердилар.

А. Н. Косигин ва Ж. Леоне Совет Иттифоқи билан Италия Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли ўтказилганлиги муносабати билан вужудга келган имкониятлардан ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни олга бостириш учун актив фойдаланиш ниятида эканликларини таъкидладилар.

(ТАСС).

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ	0,01	131,97	—	132,44
Қуйи Чирчиқ	0,05	130,60	0,02	129,72
Янгийўл	0,12	123,84	0,22	115,42
Оққўрғон	0,09	114,69	0,01	105,91
Чиноз	0,03	114,64	0,05	131,79
Бўка	0,08	113,39	0,09	111,94
Бекобод	0,07	111,63	—	105,26
Пискент	0,04	105,28		93,69
Ўрта Чирчиқ	0,02	104,92	—	100,96
Область бўйича	0,05	115,08	0,03	111,97

КУЗГИ ШУДГОРНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — бир кунда ҳайдалган ер, (гектар ҳисобида) иккинчи стун — йиллик планга нисбатан процент

Калинин	120	72,4
Юқори Чирчиқ	519	71,8
Қуйи Чирчиқ	842	71,2
Оржоникидзе	61	68,1
Ўрта Чирчиқ	1128	58,4
Оққўрғон	928	55,5
Пискент	846	53,0
Бўка	1088	51,9
Янгийўл	875	50,5
Бўстонлиқ	450	48,4
Чиноз	545	45,8
Бекобод	996	45,3
Оҳангарон	53	36,8
Область бўйича	8751	56,3

ПАХТА ИШҚИДА

Колхозимиз шу кунгача ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олди. Топширилган пахтанинг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Механизация кучидан унумли фойдаланиш ҳисобига давлат плани қисқа муддатда ошириб бажарилди. Эндиликда қолган ҳосилни ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун астойдил курашилмоқда. Бу ишда барча деҳқон ва механизаторлар, ўқувчи ва студентлар иштирок этмоқдалар.

Биз беш йилликнинг якунловчи йилидаги плантопшириқларни албатта ошириб бажарамиз. Ҳосилнинг бирор граммини ҳам қолдирмай, давлат омборига топширамиз. Бугунги кундаги меҳнат шиоримиз ана шундай.

Г. ЖУРАЕВА,
Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг кўлгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планни муддатидан олдин бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари 80 миллион сумликдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

(ЎЗТАГ).

52 ЦЕНТНЕР ЧЕГАРА ЭМАС

Тўққизинчи беш йиллик баракали якунланмоқда. Айниқса, пахтачиликни ривожлантиришда улкан ишлар амалга оширилди. Бригадамиз деҳқонлари КПСС XXV съезди шарафига бошланган вахтада турибишлаб қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил оширилди. Пахтани тезроқ йиғиштириб олиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солдик.

Айниқса, терим агрегатларидан оқилона фойдаланилди. Зоиржон Раҳимов, Дамир Пошшаалиев каби механизаторларимиз и н и н ҳар бири 3—4 механизаторнинг ишини бажарди. Шу сабабли биринчи терминнинг ўзидаёқ план адо этилди. 6 иш кунида маррага етдик. Ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил тошириллди. Шунинг қувончлиги, топширилган ялпи ҳосилнинг 90 процента «заигори кема»лар ёрдамида терилди олинди. Шу туфайли ҳозиргача ҳар гектар ердан олган пахтамиз 52 центнердан ошиб кетди. Социалистик мажбуриятимиз шараф билан бажарилди. Аммо, дала ишларини бўшаштирганимиз йўқ. Картама-карта юриб тўкилган, хирмон четларида қолиб кетган «оқ олтин» дурдоналарини ҳам сўнгги граммигача йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Барча экин майдонини қисқа кунлар ичида ҳосилдан батамом тозалаб, келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратяпмиз. Шудгорлашни тез ва сифатли ўтказиб, минерал ўғитлар солиш ишларини қисқа муддатларда амалга оширамиз.

Ж. ШОҲИМАРДОНОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи.

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БОШЛАНИШИГА

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Бу ўқув йили шунисн билан диққатга сазоворки, у коммунистлар, бутун совет халқи партия XXV съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган бир даврда бошланмоқда. Съездга тайёргарлик давомида омманинг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги ҳар қачонгидан ҳам авж олмоқда. Бу эса умуман идеология ишини йўлга қўйишда янги, янада юксак талабларни олға сурмоқда. Бу омил 1975—1976 ўқув йилида сиёсий ва иқтисодий таълим мазмуни ва йўналишига ҳам катта таъсир кўрсатади, партия сиёсатини амалга оширишда омманинг ижтимоий ва меҳнат активлигини кучайтиришни, ўқувнинг янада яхши йўлга қўйилишини талаб қилмоқда.

Ўтган йилларда областимиз партия ташкилотлари томонидан партия ўқувини такомиллаштириш бўйича тўпланган тажриба сиёсий ўқувни йўлга қўйишни янада яхшилаш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади. Шу йилларда партия ўқуви системасида содир бўлган структура ўзгаришлари ҳам шундан далолат беради. Ҳозирги вақтда тингловчиларнинг атиги 19,5 проценти бошланғич мактабларда ўқиганн ҳолда, марксизм-ленинизм асослари мактабларн тингловчиларининг салмоғи 40 процентга, олий звено тингловчиларининг сони эса 40,5 процентга кўтарилди.

КПСС Марказий Комитетининг Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълимига раҳбарлик тўғрисидаги қарори раҳбар кадрлар ўқувини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бу ўқув йилида партия активи мактаб ва семинарларида шуғулланувчилар сони 1971—1972 ўқув йилига нисбатан икки баробардан кўпроқ, марксизм-ленинизм университетлари тингловчиларининг сони эса 2,6 баробар кўпаяди.

Бу рақамлар шундан дарак берадики, сиёсий таълимда марказий ўринни аввалгидек бошланғич курслар эмас, балки марксизм-ленинизмнинг таркибий қисмларини, КПСС тарихи ва сиёсатининг актуал масалаларини, коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий проблемаларини, жаҳон революцион жараёнини ўрганувчи таълим системаси эгаллайди. Марксча-ленинча таълим проблематикасининг кенгайиши, сиёсий йўналишининг кучайиши ғоявий эътиқодни оширишга, тингловчиларда сиёсий ва меҳнат онглилигининг кўтарилишига катта ёрдам беради.

Янги ўқув йили КПСС XXV съездига тайёргарлик ва съезд даврига тўғри келиши муносабати билан бўлажак съезд материаллари ва унинг қарорларини пропаганда қилиш бутун пропаганда ишида марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мактаб ва семинар машғулотларида, оммавий пропаганда ишларида партия ва халқнинг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги фаолиятининг якунлари ишонарли тарзда қараб чиқилиши, бу да ривожланган социализм шароитида партия ролининг ўсиб бориши, партиянинг коммунистик қурилишга раҳбарлик фаолиятининг натижалари, ташқи сиёсий вазифаларнинг амалга оширилиши каби масалалар чуқур ўрганилиши зарур.

Шунингдек, партиянинг иқтисодий назария актуал проблемаларини ишлаб чиқишга қўшаётган ижодий ҳиссасининг моҳияти ва аҳамияти, совет кишилари фаровонлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришдан иборат партия йўлининг изчил амалга оширилиши масалаларига алоҳида аҳамият бериш даркор. Бунда тўққизинчи беш йиллик планларини амалга оширишда эришилаётган ютуқларнинг назарий ва амалий аҳамиятини ўрганиш лозим. Марксча-ленинча ўқув жараёнида ҳар бир корхона ва хўжаликнинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш методидан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Шунингдек, машғулотлар давомида КПССнинг жуда катта ташқи, сиёсий фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари, ҳозирги замон жаҳон тараққиёти масалалари ҳам чуқур акс этиши керак. Сиёсий ўқув тингловчиларининг КПСС ва Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг ленинча асосларини, унинг синфий ва интернационал характерини чуқур тушуниб олишларига ёрдамлашиш керак. Бунда социалистик ҳамдўстликнинг янада мустаҳкамланиши, социалистик интеграциянинг роли КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракатини мустаҳкамлаш, бутун дунёда тинчлик учун, социализм позицияларининг мустаҳкамланиши учун изчил ва актив кураши масалаларини тушунарли тарзда ёритиш талаб қилинади.

Марксча-ленинча таълимнинг янги вазифалари пропагандистлар билан ишлашни янада яхшилашни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда пропагандистлар олдига айниқса юксак талаблар қўйилмоқда. Пропагандистлик иши самарадорлигини ошириш уларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, сиёсий маориф кабинети ва методик советлар ишини яхшилаш билан чамбарчас боғлангандир.

Сиёсий мактаблар ва семинарлар ишини янада такомиллаштириш янги ўқув йилининг энг муҳим вазифасидир. Бошланғич ва ўрта звенода тингловчилар диққат-эътиборини программада кўзда тутилган курсларни ўзлаштиришга қаратиш, уларда ревслюцион назарияни бундан буён ҳам чуқур ўрганишлари учун зарур бўлган мустақил сиёсий ўқиш кўникмаларини ривожлантириш даркор.

Шунингдек, раҳбар кадрларни марксча-ленинча ўқитиш масалалари бўйича яқинда Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши қарорларидан келиб чиқиб, назарий семинарлар, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги партия активи мактаблари ишини янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериш даркор.

КПСС Марказий Комитетининг Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисидаги қарорига мувофиқ партия таълими системасини ва аввало, идеология кадрлари ўқийдиган олий звено ишини янада яхшилаш талаб этилади.

Янги ўқув йилида иқтисодий таълим системаси олдида ҳам талай муҳим вазифалар турибди. Бу вазифалар иқтисодий таълимнинг биринчи босқичи типовой программалари бўйича машғулот ўтказадиган иқтисодий курсларга моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳодимларнинг янги контингентини жалб қилишдан иборат. Шунингдек, тингловчиларнинг маълум бир қисмини ўқувнинг янги босқичига ўтишини таъминлаш талаб қилинади. Бунда тингловчилар иқтисодий билим асосларини ўрганишдан иқтисодий фан ва сиёсий иқтисоднинг энг муҳим проблемаларини, бошқариш назарияси ва хўжалик юритиш амалиётини ўрганишга ўтадилар. Бунда тингловчилар диққат-эътиборини янги предметларни чуқур ўрганиб, меҳнатни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратиш лозим. Бу янги курсларни иқтисодий таълимнинг иккинчи босқичи, деб қараш керак. Шунингдек, иқтисодий таълим самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси шундан иборатки, машғулотлар давомида тингловчилар билдирадиган таклиф ва мулоҳазалар мунтазам равишда ўрганилиб, умумлаштирилиш ҳамда ўқиш давомида амалга оширилиши керак.

Шунингдек, коммунистик меҳнат мактаблари фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қилиш зарур. Бунда иқтисодий ва маънавий таълимни бирга олиб бориш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини кенг ёйиш масалаларини чуқур ўрганишга кўпроқ диққат қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, янги ўқув йили партия ўқуви, комсомол сиёсий маорифи, оммавий иқтисодий таълим илмий савияси ва самарадорлигини оширишда янги босқич бўлиши зарур. У коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг мамлакатимиз оммавий иқтисодий таълим илмий савияси ва самарадорлигини оширишда янги босқичга ўтишини таъминлаш талаб қилинади. Бунда тингловчилар иқтисодий билим асосларини ўрганишдан иқтисодий фан ва сиёсий иқтисоднинг энг муҳим проблемаларини, бошқариш назарияси ва хўжалик юритиш амалиётини ўрганишга ўтадилар. Бунда тингловчилар диққат-эътиборини янги предметларни чуқур ўрганиб, меҳнатни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратиш лозим. Бу янги курсларни иқтисодий таълимнинг иккинчи босқичи, деб қараш керак. Шунингдек, иқтисодий таълим самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси шундан иборатки, машғулотлар давомида тингловчиларнинг билдирадиган таклиф ва мулоҳазалар мунтазам равишда ўрганилиб, умумлаштирилиш ҳамда ўқиш давомида амалга оширилиши керак.

ОБЛАСТЬ сиёсий маориф уйида пропагандистлар учун муҳим мавзуларда илмий-назарий семинарлар ишлаб турипти. Суратда: ана шу семинар машғулоти пайти. Тошкент давлат университети психология кафедрасининг мудири, доцент М. Воҳидов лекция ўқимоқда.

> ПАРТИЯ КОММУНИСТЛАРНИНГ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИНИ, ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҚОНУНЛАРИНИ ҚУНТ БИЛАН ЎРГАНИШЛАРИНИ... ЖУДА МУҲИМ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. КОММУНИСТЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ ЖИҲАТДАН ЧИНИҚИШЛАРИ ПАРТИЯМИЗ САФЛАРИ ЖАНГОВАРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ МУТЛАҚО ЗАРУР ШАРТИДИР.
>
> Л. И. БРЕЖНЕВ.

УЧ СУҲБАТ

ҲАММА НАРСА ТАХТ

СИЕСИЙ ўқув машғулотларининг муваффақияти унга қандай тайёргарлик кўрилганлигига, пропагандистнинг маҳоратига, партия ташкилотларининг коммунистларнинг ғоявий чиниқишини диққат билан кузатиб боришига боғлиқдир. Янги ўқув йили арафасида мужбиримиз **«Сизда марксча-ленинча ўқув системасида машғулотларни бошлаш олдидан қандай тайёргарлик кўрилди?»** деган савол билан партия ташкилотининг секретари, пропагандист ва тингловчиларга мурожаат қилди.

С. РАУПОВ, Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министрлиги «Ўзкоммунтеплоэнерго» республика ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотининг секретари:

— Бизда сиёсий ўқув тўгаракларида асосан КПСС XXIV съезди материаллари асосан комсомол ёшлар таҳсил кўрадилар.

Бундан ташқари, айрим коммунистларнинг иш шароити ва ёши ҳисоба олинган ҳолда уларга мустақил равишда сиёсий-иқтисодий билимларни эгаллашга рухсат берилган.

Тажриба шуни кўрсатадики, машғулотларнинг борише, тингловчиларнинг ўтилган темаларни қай даражада ўзлаштираётганликларини вақти-вақти билан текширишдан ўтказиб туриш зарур. Бу пропагандистларнинг ҳам, тингловчиларнинг ҳам масъулиятини оширади. Биз бу йил ҳам ана шу тажрибага амал қиламиз.

Яқинда партия бюроси йиғилишида янги ўқув йилига тайёргарлик масаласи кўрилди. Бунда биз ўтган йилги эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ҳам тилга олдик. Пропагандистлар состави қайтадан кўриб чиқилди. Улар билан суҳбатлар ўтказдик. Айниқса, иқтисодий тўгарак пропагандистларига нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

Бу йил ҳам юқорида айтиб ўтилган группалардан ташқари коммунал хўжалиги министрлиги қошида ташкил этилган сиёсий тўгаракларда ҳам машғулотлар давом эттирилади. Бундан ташқари, ҳар ҳафтанинг душанба куни ахборот куни ўтказилади. Аппарат ходимлари бу куни мамлакатимиз ва чет элларда бўлаётган воқеалар, янгиликлардан хабардор қилинадилар.

Нўлдош ЭРГАШЕВ, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз партия комитети пропагандисти:—Ўтган йилгидек бу йил ҳам биз илмий коммунизм курсини ўргана бошлаймиз. Машғулотларга 27 тингловчи қатнашади. Тингловчиларга бугун партия ўқуви куни, деб хабар қилиб ўтирилмайди, ҳар бир машғулот ҳафтанинг чоршанба куни ишдан кейин ўтади. Шу куни колхоз правлениесидаги алоҳида хонага коммунистлар йиғиладилар.

Бу йилги ўқувга яхши тайёрландик. Хона беш йилликка оид диаграммалар, дунё сиёсий картаси, ҳар хил кўргазмали ва ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Кундалик давомат дафтарига тингловчиларнинг фамилиялари ёзиб қўйилди. Дафтарга киритилган коммунистлар рўйхати колхоз партия комитети йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда кун тартибига қўйилган масала «Коммунистларнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги» деб аталарди. Биз бунда кимлар сиёсий ўқувда қатнашиши лозимлиги, бу йил ўрганиладиган мавзуларни белгилаб олдик. Тўгарагимизда актив қатнашувчи участка бошлиғи Муносиб Авазов, механизаторлар Хатира Сайфуддинова, Гулсум Олтмишева, бригада бошлиғи Норинбой Ҳасановларнинг ўз сиёсий билимларини ошириш соҳасида бошқаларга намуна бўлаётганлигини кўрсатиб ўтдик. Бу коммунистлар ишлаб чиқаришда ҳам пешқадамдирлар. Мисол учун Хатира Сайфуддинована кўрсатиш мумкин. У пахта теримида фидокорона меҳнат қилди. 150 тоннага яқин «оқ олтин»ни машинада териб берди. Биз бундай актив тингловчиларга якуний машғулотларда қисқача характеристика берамиз, уларни мақтов қоғозлари, раҳматномалар билан тақдирлаймиз.

Маннон СУЛТОНОВ, тингловчи:— Бир кун газета ўқимасанг бир олам янгиликдан бехабар қоласан. Ҳозирги ҳаётимизда информация оқими беқиёс, ҳаммасини сингдириш қийин. Лекин муҳими, улардан кераклисини топа билишдир. Пропагандистимиз доим шуни таъкидлайди. Машғулотлар бошланишидаёқ орага шундай савол ташлайди:

— Бугунги газеталарда нима гап?

Асосий мавзудан баҳс очишдан аввал бугунги ички ва халқаро ҳаёт ҳақида мунозара бошланади. Уч йилдан бери олий звенодаги «КПСС ташқи сиёсати» назарий семинаримизда ана шундай қизғин баҳс, мунозарали машғулотлар давом этмоқда. Ўтган ўқув йили давомида биз 25 киши 16 та машғулотда қатнашдик.

Бизнинг М. Т. Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейимиз илмий тадқиқот марказигина эмас, балки шу билан бирга оммавий ташвиқот муассасаси ҳамдир. Ана шу оммавий-сиёсий фаолиятни жонлантиришда тингловчиларимиз яхши ёрдам беришмоқда. Биз КПССнинг XXV съезди арафасида бу соҳадаги ишимизни янада жонлантирамиз. Жойларга бориб, ишчи коллективлари орасида ватанпарварлик ташаббусларининг ёйилишига, уларнинг моҳиятини тушинтириб беришга ҳаракат қиламиз. Сиёсий ўқувдаги назарий билимларни амалга кенг қўллаймиз.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ САМАРАСИ

Ҳар бир раҳбар ходим, ишчи, хизматчи эртани кўзлаб иш қилиши, бунинг учун эса ўзининг билими, малакасини ошириб бориши керак. Ана шунда у ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлайди.

Партия ташкилотимиз бу масалага катта эътибор бериб келмоқда. Коллективимизнинг барча аъзолари сиёсий ўқув тўгаракларида, оммавий, иқтисодий билим мактабларида таҳсил кўришаяпти. Бу соҳада уларга энг яхши мутахассисларимиз устозлик қиладилар.

Айниқса, пропагандистлардан Э. Куттибоев, И. С. Цой ўртоқларнинг маҳорати ошиб бормоқда. Улар программадаги темаларни ишлаб чиқариш, бирлашма ҳаёти билан боғлаб олиб борадилар. Ижтимоий меҳнатнинг самарадорлигини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини пухта йўлга қўйиш, тежамкор бўлиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида алоҳида машғулотлар ўтказилади.

Бундай машғулотларда қатнашган тингловчилар ўз иш фаолиятларида яхши натижаларга эришмоқдалар. Слесарлардан Н. Алматов, токарь А. Г. Кубарев, бульдозерчи механизатор М. Салимов, И. Иброҳимов ва бошқа ўртоқлар ўзларининг беш йиллик юзасидан қабул қилган шахсий социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар.

Сиёсий ўқув, айниқса иқтисодий тўгарак машғулотларининг ҳаёт билан боғлаб олиб борилиши яхши самаралар бермоқда. Бирлашмамиз коммунистлари, барча меҳнатчилари, беш йиллик топшириқларини бажаришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Коллективимиз шу йилнинг 15 июлидаёқ беш йиллик маррани эгаллашга муваффақ бўлди. Техника ремонти устахонаси ва механизациялашган мелиорация отрядининг коллективлари беш йиллик планга нисбатан 52500 сўмлик кўп иш бажардилар.

Биз янги ўқув йилида ҳам машғулотларнинг ўз вақтида ва мунтазам равишда ўтказилиб турилишига эришиш учун ҳаракат қиламиз. Бунинг учун барча зарур тадбирлар амалга оширилади. Сиёсий ўқиш бўйича тайёрланган пропагандистлар темаларни чуқур ва мазмунли ўтишда кўргазмали материаллардан фойдаланадилар.

Ҳеч шубҳа йўқки, сиёсий ўқувнинг самарадорлиги бу йил янада юқорироқ бўлади.

Т. МАХАМАДОВ,
Юқори Чирчиқ район «Узсельхозтехника» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари.

ЯНГИ ўқув йили арафасида ҳамма жойда тўгарак ва назарий семинар раҳбарлари тайёргарликдан ўтказилди. Суратда: Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз пропагандистлари янги ўқув йилига тайёрланишяпти.

А. Абалян фотолари.

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

РЕПОРТАЖ

ЧИРЧИҚ шаҳар партия ташкилотларида 18 ноябрь куни янги ўқув йили машғулотлари бошланиб кетди.

— Бу кунга коммунистларимиз пухта тайёргарлик билан келдилар,— дейди «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ У. Собиров.— Ўқув олдидан бирлашмадаги 153 пропагандист иштирокида семинар ўтказилди. Семинарда ташкилий-методик масалалар қараб чиқилди. Тўгарак ва семинар раҳбарларига сиёсий маориф уйи томонидан тузиб чиқилган перспектив иш плани тарқатилди. Биз шу куни бирлашмада бўлган машғулотлардан бирида қатнашдик.

...Смена тугаши билан химиклар қизил бурчакка томон йўл олдилар. Ўтган йилларгадек бу йил ҳам коммунистлар ўқуви яхшилаб жиҳозланган мана шу кенг ва ёруғ хонада бошланади. Тингловчиларни пропагандист Василий Яковлевич Ивлев кутиб олди. Партия топшириғини жон-дилдан севган бу киши 20 йилдан буён сиёсий ўқув машғулотларини олиб боради. Ивлев бу группа билан учинчи йил ишлаши. У коммунистларнинг ҳаммасини яхши билади.

Химиклар 1975 йил мамлакат бўйича 90 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш учун бошланган Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилишган. Улар бу мусобақада пешқадамлар сафида боришмоқда.

Лекция олдидан бирлашма партия комитети номидан ўртоқ У. Собиров пропагандистни ва тингловчиларни янги ўқув йилининг бошланиши билан табриклаб, тўгарак раҳбарига мукофот топширди.

Пропагандист беш йилликнинг зафарли якунланаётганлиги ҳақида, партиямизнинг XXV съездига республикамиз пахтакорлари, саноатчилари қандай совғалар тайёрлаётганликлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Сўнгра тингловчилар «Юксак унумдорлик меҳнатининг омиллари» мавзуси бўйича лекцияни ўзлаштиришга киришдилар. Лектор олти соатга мўлжалланган бу дарснинг асосий мақсадини тушунтирди. Аммиак ишлаб чиқарувчи бешта цехнинг ҳар бирида бу соҳада нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тўхталди. Слесарлар К. Ахмедшин, И. Арцаблюк, М. Казаковларнинг меҳнат фаолиятидан мисоллар келтирди. Машинист Т. Ортиқов, С. Қўлжабоевларнинг ишини намуна қилиб кўрсатди. Цех ветерани Ортиқов ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажаришда, техникадан моҳирона фойдаланишда кўпларга ўрнак бўлиб келмоқда. Совет Армияси сафидан демобилизация қилиниб цехга келган Қўлжабоев эса компрессор машинистининг ёрдамчиси бўлиб иш бошлаган эди. Мана беш йилдирки, у таниқли машинистга айланган. Интизомли, топшириқларни ўз вақтида адо этувчи бу ишчи ўз малакасини тўхтовсиз ошириб бормоқда. Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида ўқимоқда.

Ишчиларнинг ғайрати билан корхона қимматбаҳо хомашёни буюртмачиларга вақтида етказиб бермоқда. Аммиакчилар тайёрлаётган маҳсулотларга яқинда давлат сифат белгиси берилди.

Тингловчилар бугунги машғулотдан ўз иш фаолиятларига доир кўпгина муҳим янгиликларни билиб олдилар. Дарс охирида адабиётлар рўйхати берилди, навбатдаги машғулот суҳбат тарзида ўтажаги уқтирилди.

Шу куни бирлашманинг бошқа цех ва участкаларида ҳам сиёсий ўқув машғулотлари юксак уюшқоқлик билан ўтди.

С. МУСАЕВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

СЕКРЕТАРЬ НЕГА САЙЛАНМАДИ?

Ғазалкент шаҳридаги 2-механизациялашган кўчма колонна коллективи тўққиз ой мобайнида пландаги 706 минг ўрнига 708,4 минг сўмлик қурилиш-ремонт ишларини бажариб, планни 100,3 процент бажарди. Бир ишчининг ишлаб чиқариш нормаси 7552 сўм ўрнига 7300 сўмни ташкил этди.

Ушбу қурилиш ташкилотида қурилиш-ремонт ишларини яна ҳам юқори даражага кўтариш мумкин эди. Лекин, ишлаб чиқаришни механизациялаш самарадорлиги кўнгилдагидек бўлмади, янги техник жиҳозлар ишлаб чиқаришга сусткашлик билан жорий этилди.

Колонна партия ташкилоти коммунистлар ва ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ҳамда ташкилотчилик ишларини юксак даражада ташкил эта олмади. Ишчи ва хизматчиларнинг иқтисодий билимларини ошириш мақсадида ўчта тўгарак ташкил этилган. Уларга бош инженер Қ. Тожиддинов, план бўлимининг бошлиғи З. В. Ковалец ва участка мастери Қ. Оқилбековлар раҳбарлик қилдилар. Бу тўгаракларда ҳаммаси бўлиб 48 киши қатнашди. Лекин, кўп ҳолларда машғулотлар юксак савияда ўтказилмади, ишлаб чиқариш билан узвий равишда боғлаб олиб борилмади.

Партия ташкилоти ҳузурида сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар группаси тузилган. Мутахассислар ишчи-хизматчилар ўртасида махсус темаларда суҳбат ва лекциялар билан тез-тез чиқиб турмайдилар. Агитаторлар фақат сайлов олди кампанияларидагина фаолият кўрсатадилар. Деворий газета ва жанговар варақаларнинг хизматидан фойдаланилмаяпти. Коллективда илғорлар тажрибаси ўрганилмайди. Уларни оммалаштириш юзасидан тадбирлар қўрилмайди.

Партия мажлиси — тарбия мактабидир. Лекин, бу ерда партия мажлисларининг ролини оширишга яхши эътибор берилмади. Мажлисларда коммунистнинг бурчи ва масъулиятига оид масалалар камдан-кам муҳокама этилди. Айрим коммунистлар меҳнат интизомини бузиб юксак номга доғ туширдилар. Бунга А. Азимов, В. Николаенко ўртоқларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агар уларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати партия ташкилоти томонидан ўз вақтида қораланганда эди, эҳтимол, улар фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлар эди.

Ҳисобот даврида ўн бир маротаба партия йиғилиши ўтказилиб, унда ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинган бўлса-да, мажлис қарорларининг ижросини текшириш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласи билан партия ташкилоти жиддий шуғулланмади. Кадрлар қўнимсизлиги ҳамон муаммо бўлиб келмоқда. Маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш комиссияси умуман тузилмаган.

Партия ташкилотининг комсомол, касаба союз ҳамда халқ контроли группасига раҳбарлиги ҳам суст бўлди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу нуқсонлар рўйрост очиб ташланди. Коммунистлар бу гал кўчма механизациялашган колонна собиқ секретари В. Е. Николаенкога ишонч билдира олмадилар. Унинг ўрнига ишлаб чиқариш ва жамоат топшириқларини бажаришда ўрнак кўрсатган коммунист, қурилиш ташкилотининг бош механиги Виктор Дмитриевич Костиков секретарь қилиб сайланди.

Ю. БЕКМУРОДОВ,
Бўстонлиқ райони.

ЖАНГОВАРЛИК ОШИРИЛСИН

Бу колхоз райондаги энг илғор хўжаликлардан. Хўжалик деҳқонлари тўққизинчи беш йилликда катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Пилла сотиш беш йиллик плани 1,5 ҳисса ошириб уддаланди. Чорвачилик ҳам рентабелли соҳага айланиб боряпти.

Хўжаликнинг етакчи тармоғи—пахтачиликда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Беш йиллик планини тўрт йилда ортиғи билан бажарган аҳил коллектив олтинпазлари бу йил ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилдилар. Табиат қийинчиликларига қарамай нотекис, деҳқончилик учун қийин бўлган ерларда мўл ҳосил етиштирилди. Пахта терими бошлангандан то охиригача колхоз районда пешқадамлик қилди ва пахта тайёрлаш йиллик планини областда илғорлар қаторида бажарди. Авжи йиғим-терим қизғин кунларда далаларда 23 та «зангори кема» ишлади. Колхоз ҳозирги кунга қадар салкам 4 минг тонна «оқ олтин» топширди. Ана шу ҳосилнинг 3800 тоннаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Бу ютуқларда колхоз партия ташкилотининг етакчилик роли каттадир. Хўжалик партия ташкилоти атрофига 40 нафар коммунист уюшган. Улар ҳал қилувчи участкаларда меҳнат қилмоқдалар. Деярли ҳар бир коммунист партия топшириғига эга. Бу топшириқларни бажаришда коммунистлардан Г. Дадабоев, М. Хайитбоев, Т. Хусанова, А. Абдураимов ўртоқлар шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

Партия ташкилоти коммунистлар масъулияти, авангардлигини оширишга қаратилган бир мунча тадбирларни кўрди. Ўтган ҳисобот- сайлов йиғилишидан бўён 12 та умумий партия ва 14 та бюро йиғилиши ўтказилиб, унда 32 та масала муҳокама қилинди.

Лекин, докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар қайд қилиб ўтишганларидек, бу йиғилишларда танқид ва ўз-ўзини танқид талаб қилинган даражада бўлмади. Айрим коммунистлар муҳокама қилинган масалалар бўйича сўзга чиқсалар ҳам, улар ҳисобот бериш билан чегараландилар, ўзларининг конкрет фикр-мулоҳазаларини дадил айтмадилар. Бир йил мобайнида коммунистлар сафи ўсмаганлигини қандай баҳолаш керак? Ваҳоланки, далада, фермада меҳнат қилаётганлар орасида ишлаб чиқаришда ўрнак кўрсатаётган ёллар ва комсомол ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

Партия ташкилоти касаба союз, комсомол ташкилотларига, хотин-қизлар Совети ва халқ контроли группасига раҳбарликни яхшилаши лозим. Бу борада қилинадиган ишлар кўп Комсомол ташкилоти фаолияти сустлашиб кетган. Хотин-қизлар Совети ва халқ контроли группасининг иши планли равишда йўлга қўйилмаган.

Колхоз коммунистларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия бюроси секретари А. Маматов ана шу ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлардан О. Носирхўжаев, Г. Дадабоев, Г. Майдонов, А. Оқбўтаев ва бошқа ўртоқлар партия ташкилоти ўзининг жанговарлик қобилиятини ошириш учун раҳбарликнинг услуб ва методларини тинмай такомиллаштириб, ўрнини лозимлигини уқтирдилар. Шу билан бирга қишлоқ аҳли ва коммунистларнинг диққат-эътиборини келгуси йил ҳосилига тайёгарлик кўришга, КПСС XXV съездини ҳарбир соҳада муносиб совғалар билан кутиб олишга жалб этдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида «Партия XX съезди» колхоз партия бюросининг янги состави ва район партия конференциясига делегатлар сайланди.

М. ПОРСИХОНОВ,
Бўка райони.

БЕКОБОД районидаги 2-«Далварзин» совхози пахтакорлари республикамизнинг 5 миллион 300 минг тоннаник улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида далалардаги ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олиш мақсадида меҳнат қилмоқ далар. Хўжаликнинг пахта тайёрлаш планини бажариш да илғор механизаторлардан Ботирали Қосимовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. У икки қаторли машинасида 100 тоннадан зиёд пахта терди. Суратда: Б. Қосимов.

Т. Маҳкамов фотоси.

ИНҚИЛОБ ВЕТЕРАНИ

Ҳа, қалбларни тўлқинга келтирувчи ўша учрашув ҳамма йиғилганларнинг ёдида қолган эди.

Фрунзе район партия комитетининг биносига инқилоб ветеранлари, комсомоллар, пионерлар йиғилишган. Кекса коммунист Насриддин Хўжаевнинг суҳбати ҳаммаларнинг диққат-марказида бўлди. Ҳурматли отахон Насриддин Хўжаев доҳий Ленин билан шахсан учрашгани ҳақида сўзларди:

— 1920 йилнинг ноябрь ойида Туркистон Компартияси Марказий Комитети менга Я. М. Свердлов номли коммунистик университетга йўлланма берди. Шу йилнинг декабрь ойида эса қимматли Владимир Ильичнинг сўзларини ўз оғзидан эшитишга муяссар бўлдим. Университет талабалари қатори мен ҳам Советларнинг VIII съезди коммунистлар фракцияси мажлисида иштирок этдим. Бу йиғилишда Владимир Ильич Ленининнинг сўзга чиқишини билардик. Шунинг учун ҳам доҳийни сабрсизлик билан кутардик.

Ана, президиумда унинг ўзи пайдо бўлди. Залдагиларнинг Ленинни қалб қувончлари билан кутиб олганликларини сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Ура садолари янгради.

Доҳий сўз бошлаши билан залда жимлик чўкди. Унинг ҳар бир сўзини жонқулоқ бўлиб тингладим. У оддий, содда ва аниқ гапирарди. Фикрларига хулоса ясаркан, ниҳоясида шундай деди: «Энди гапдан ишга ўтайлик, ўртоқлар!» Ана шу воқеага ҳам ярим асрдан ортиқ вақт ўтди. Унинг ҳар бир сўзи ҳамон ёдимда.

Насриддин Хўжаев қаерда ишламасин, доҳий васиятларига содиқ қолди. Халққа, Ватан хизмати учун кучи ва ғайрати [illegible] аямади. Инқилоб ветерани ҳозир пенсияда. Аммо жамоат ишлари, партия топшириқларини сидқидилдан бажаради. У Фрунзе ва Куйбишев район партия комитетининг активларидан бири. Матбуотда турли хил мақолалари билан иштирок этади. Инқилоб клубининг пропагандисти сифатида ёшлар ўртасида турли хил темаларда суҳбат ва лекциялар ўтказади.

Е. МОРДУХАЕВ.
СССР журналистлар Союзининг аъзоси.

ЧОРВАЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўрта Чирчиқ совхозлараро бўрдоқичилик пунктининг директори Сотибой ШЕПЕНОВ билан суҳбат

Ҳусанбой эсини танибдики, чорвачилик билан шуғулланади. Коллективимизга аъзо бўлиб келганига ҳам ўн йилдан ошиб қолди. Ҳамиша унинг қорамоли юқори семизликда қабул қилинади. Одатда у эрта тонгда ишга келади. Боқувидаги молларни бирма-бир кўздан кечириб чиқади.

Ҳусанбой Бобобековнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, молларни боқиш, озуқани тежаб-тергаб сарфлашдаги ишлари кўпчиликка ёқиб қолди. Биз уни бригада бошлиғи вазифасига тайинладик. Шундан кейин у бригаданинг шон-шухратини оширди. Ҳозир у базанинг энг пешқадам, кўп даромад келтираётган бригадаларидан бирига айланди.

Қодир Карамов ҳам ишнинг кўзини билган чорвадорлардан бири. 100 бош қорамол боқиб, улар юқори семизликда бўлишига эришмоқда. Ҳар бир қорамол бир кеча-кундузда 1200—1300 граммгача семиряпти. У қўй боқишда ҳам чўпонлардан қолишмайди. Ёз давомида 1483 бош озғин қўй боққан эди, улар кунига 100 грамм ўрнига 150—160 граммдан семирди. Гўштга топширилган ҳар бир қўйнинг тирик вазни қўшимча 14 килограммдангача семирганлиги аниқланди.

Базамиз совхозлардаги шундай қўйларни боқиб семиртиришда анча тажриба тўпладик. Бизда 36 килограмм вазнда бўлган қўйлар 90—95 кун боқилади, 50 килограммга етиши билан гўштга топширилади.

Илғорлар ҳақида сўзлаганда Низом Маҳмудов, Отабой Исломов, Ғаффор Эшонқулов каби бўрдоқичиларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Каромат Тўйчиева, Салима Раҳмоновалар ҳам юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

Пункт коллективи илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилмоқда. Буни шу йилнинг ўн ойи якунларидан кўриш мумкин. Шу вақт ичида бўрдоқига қўйилган молларни семиртириш бўйича берилган план 158 процент қилиб адо этилди. Коллективимиз ҳар бир молни меҳр билан парвариш қилиб озуқа рационини яхшилаш туфайли ана шундай ютуққа эришди. Молбоқарларимиз ҳар бир қорамолни ҳар куни ўртача 800 грамм ўрнига 1071 грамм семиришини таъминламоқда. Бу соҳадаги топшириқ 134 процент бажарилди.

Қўй боқишни ҳам яхшиладик. Бир кеча кундузда ўртача 100 грамм ўрнига 147 граммдан семирмоқда.

Коллективимиз чорва озуқасини тежаб-тергаб сарфламоқда. Маҳсулот етиштириш арзонлашмоқда. Ҳар бир центнер гўшт етиштириш учун 6,75 озуқа бирлиги сарфлаш планлаштирилган. Амалда эса 6,23 озуқа бирлиги сарфланаётир. Қорамол ва қўй гўштлари арзон баҳоларда етиштирилаётир.

Базада гўшт кўпайтиришни яхшилаш учун барча чоралар кўрилмоқда. Аҳолининг ортиқча молларини сотиб олиш йўли билан қисқа вақт ичида 130 тонна гўшт тайёрладик. Пункт молларни семиртириб топшириш ҳисобига 105 минг сўм соф фойда олди. Йил охиригача фойдамиз яна кўпаяди.

Коллектив эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб зиммага оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Қўшимча 300 центнер гўшт етиштириш учун курашмоқдамиз.

Коллектив сентябрь ойидаёқ беш йиллик планини 113 процент қилиб адо этди. 9905 центнер ўрнига 11272 центнер гўшт топширилди. Даромадимиз ҳам чакки бўлмади. Молларни семиртириб боқиш ҳисобидан келган даромад 146 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир семиртирилган қорамол гўштининг 1 центнери 80 сўмдан 64 сўмгача камайди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, тўққиз ой ичида коллектив улкан ютуқларни қўлга киритди. Пункт гўштга топириладиган қорамолнинг тирик вазнини кўпайтириб, юқори семизликда топширишга эришди. Шу туфайли гўшт комбинатига 1839994 сўмлик маҳсулот топширдик. Мол ва қўйларнинг вазнига вазн қўшганлигимиз туфайли пункт кассасига 288400 сўм тушди. Биз молларини боқиб семиртириб берган областдаги совхозлар эса 1.044142 сўм фойда олдилар.

Бу шуни кўрсатдики, бўрдоқичилик пунктларида хўжаликларнинг чорва молларини боқиш, семиртиришнинг афзалликлари каттадир.

Дунё овози
чет эл хабарлари

МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Шу йил 18—19 ноябрда Прагада Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлис ишида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мудофаа министрлари, Бирлашган қуролли кучларнинг бош қўмондони ва бирлашган қуролли кучлар штабининг бошлиғи иштирок этмоқда.

Иш давомида Бирлашган қуролли кучлар қўшинларини ва штабларини тайёрлаш методларини янада такомиллаштириш масалалари, шунингдек Бирлашган қуролли кучлар раҳбарлик органларининг ҳозирги фаолияти масалалари кўриб чиқилди.

Мудофаа министрликлари комитетининг мажлиси дўстона вазиятда, унинг барча қатнашчиларининг тўла ҳамжиҳатлиги руҳида ўтди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда ЧССР миллий мудофаа министри армия генерали Мартин Дзур раислик қилди.

(ТАСС).

СЕНАТНИНГ ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН, 19 ноябрь. (ТАСС). АҚШ конгрессининг сенати Америкаларнинг Гранд-Форксдаги (шимолий-Дакота штати) ракетадан мудофаа системасини тўхтатиб қўйиш тўғрисида 47 овозга қарши 52 овоз билан қарор қабул қилди.

Маълумки, 1972 йил май ойида СССР билан АҚШ ўртасида ракетадан мудофаа системаларини чеклаб қўйиш тўғрисида шартнома тузилган эди. Шу шартномада томонларнинг ҳар бирига ракетадан мудофаа системасини икки районда жойлаштиришга рухсат берилган эди. 1974 йил ёзида Москвада юксак доирада ўтказилган Совет—Америка учрашувида шу шартномага қўшимча протокол тузилган эди. Бу протоколда ракетадан мудофаа системаларини қуришни қўшимча равишда чеклаб қўйиш ҳамда томонлардан ҳар бири учун мана шундай системалар жойлаштирилган районни биттагача чеклаб қўйиши кўзда тутилган эди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 19 ноябрь. (ТАСС мухбири). Кейинги кунларда Ливан пойтахтида нисбатан осойишталик бўлиб турган эди. Лекин кеча шаҳарнинг ўзида ва унинг атрофидаги районларда бошланган отишмалар яна кучайиб кетди.

Бир-бирига душман томонлар ўртасида яна отишмалар бошланишига олиб келган энг жиддий можаро шаҳарнинг марказий қисмидаги Фуад Шаҳоб кўпригида рўй берди. Бу ерда уч киши ўлдирилди. Ўт очган қуролли кишилар қочиб қолиб бўлдилар.

Шу воқеадан сўнг дарҳол пойтахтнинг кейинги ойларда «энг сержанжал» районлари бўлиб қолган Синн ал-Филь, Набаъ, Ашрафия, Айнар-Руммана ва Шиях деган жойларида милтиқлар ва минометлардан шиддатли отишмалар бошланиб кетди.

Бу ерда қоронғи тушгач, ўқ отилиб, миналар портлатилди. Снайперлар яна активлашди. Шу районлардан баъзиларида тартиб ўрнатишга уринган ички хавфсизлик кучларини снайперлар ўққа тутдилар.

Маҳаллий матбуот хабарларига қараганда, кечаги тўқнашувлар натижасида 10—15 киши ҳалок бўлди.



ЛИССАБОН. Португалия пойтахти аҳолиси ҳукуматнинг халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини национализация қилиш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватламоқда. Суратда: Ҳукумат қарорини маъқуллаб уюштирилган йиғилиш қатнашчиларидан бир группаси.

ТАСС фотохроникаси.

СЕПАРАТИСТЛАР БОШ КЎТАРМОҚДА

ЛИССАБОН, 19 ноябрь. (ТАСС). Азор оролларидан (Португалиянинг Атлантика океанидаги территорияси) олинган хабарларга қараганда сепаратистлар ўзларининг қўпорувчилик ҳаракатларини яна активлаштириб юборганлар. Архипелагнинг бош шаҳри бўлган Анграду Эроизмуда намойиш бўлди. Бу намойиш Азор оролларини Португалиядан ажратиб олишни талаб қилувчи шиорлар остида ўтди. Реакцион ташкилотлар Азор оролларининг бошқа бир қанча жойларида шундай намойишлар ўтказдилар. Маълумки, Американинг катта ҳарбий ҳаво базаси бўлган Лажиш шу оролларда жойлашган.

Реакцион гуруҳлардан бири Азор оролларида мувақкат ҳукумат тузишни талаб қилди.

Понта-Дельгада шаҳрида сепаратистларнинг намойишларига қарши чиққан Португалия социалистик партиясининг маҳаллий бўлими олдида бомба портлатилди.

Чет эл империалистик доиралари қўллаб-қувватлаётган сепаратистлар ҳаракати Азор оролларида бир неча ойдан бери давом этмоқда. Бу ҳаракат август ойининг охири — сентябрь ойининг бошларида айниқса кенгайди. Шу вақт ичида сепаратистлар ва Португалиядан қочиб келган фашистлар террор ва одам ўлдириш кампаниясини кучайтириб юбордилар.

БАНГЛАДЕШДАГИ АҲВОЛ

ТОКИО, 19 ноябрь. (ТАСС). Чет эл агентликларининг хабарларидан маълум бўлишича, Бангладешда мураккаб ва кескин вазият давом этмоқда.

Читтагондаги ҳарбий денгиз базасида ҳарбий денгизчилар ўртасида қуролли тўқнашувлар уч кун давом этди. «Сўл» ва ўта ўнг унсурлар игвоси билан бошланган бу тўқнашувлар натижасида катта офицерлардан 7 киши ҳамда матросларнинг ва кичик офицерларнинг 40 га яқин киши ўлдирилди. Тартибсизликларга қарши чоралар кўрмоқ учун Бангладеш ҳарбий маъмурияти бошлиғининг икки ўринбосари — армия штабининг бошлиғи генерал майор З. Раҳмон ва ҳарбий денгиз кучлари штабининг бошлиғи коммодор М. Хусайн тезлик билан Даккадан базага жўнаб кетдилар.

Кҳулнада ҳам шундай тартибсизликлар бўлди. Жойдепардаги Дакка шаҳри ёнида армия аслаҳахонасида сақланаётган қуроллар ўғирланган. Қуролланган бандитлар биргина Даккани ўзида ҳар кун ўнлаб кишиларни ўлдирмоқдалар. «Сўл» ва ўта ўнг унсурлар ўзларининг сиёсий рақибларидан мана шу тариқа ўч олмоқдалар.

Диний-жамоат кучлари ҳам активлашди. Миллат манфаатларига зид бўлган шу тўдалардан ҳар бири ўз мақсадини кўзламоқда, лекин уларнинг ҳаммаси бирталикда битта иш қилмоқдалар: бетартиблик ва бошбошдоқлик туғдирмоқдалар, армиянинг обрўйини тўкмоқдалар, мамлакатда бироз бўлса ҳам тартиб ўрнатишга уринаётганларнинг ҳаракатларига путур етказмоқдалар, армияни батамом бузиб, сўнгра ҳокимиятни қўлга олишга, шу билан бирга ўзларининг вақтинча йўлдошларини йўқ қилишга интилмоқдалар.

ТАНГЛИК ҒОЯТ КУЧАЙИБ КЕТДИ

ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС). 30-йиллардаги «буюк депрессия» давридан буён Қўшма Штатлар бошидан кечираётган ва узоқ давом этган энг чуқур иқтисодий танглик буржуа жамиятига хос бўлган барча зиддиятларни ғоят кескинлаштириб юборди. Саноат марказларида забастовкалар сони ортмоқда, касаба союзларидаги оддий аъзоларнинг бюрократик раҳбарликдан норозилиги кучайиб бормоқда, шаҳарларда нархларни ҳаддан ташқари ошираётган монополияларга қарши кураш кескин тус олмоқда. Франсияда чиқадиган «Монд дипломатик» журнали Қўшма Штатлардаги синфий курашнинг ҳозирги босқичини ана шундай таърифлаб беради.

Мавжуд маълумотларга қараганда, деб қайд қилади журнал, АҚШ гражданларидан тахминан 40 процентининг даромади ҳукумат органлари томонидан белгиланган минимумдан ҳам кам. Қашшоқлик кучайиб боряпти. Монополистик капитализм шароитида мулкдорларнинг бойлиги ортиб бораётганлигини, камбағаллар эса қашшоқлашиб бораётганлигини, ҳар бир киши ишдан, жамиятдаги мавқеидан, ишсизлик юзасидан бериладиган нафақадан маҳрум бўлиб қолиш хавфи остида қолаётганлигини ҳамма яққол сезиб турибди.

АФРО-ШИРОЗИ ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

ЗАНЖИБАР, 19 ноябрь. (ТАСС мухбири В. Крюков хабар беради). Занжибар кўчалари ва майдонлари байрам либосида. Ҳамма жойга Афро-Ширози партиясининг транспарантлари, плакатлари, шиорлари осиб қўйилган. Танзания орол қисмининг халқи Занжибар ва Пемба оролларида ҳукмрон бўлган Афро-Ширози партиясининг бу ерда очилган VI съездини тантанали равишда кутиб олмоқда.

Уч йил муқаддам партиянинг бундан олдин бўлиб ўтган съездида қабул қилинган резолюцияларнинг бажарилиш якунларини муҳокама қилмоқ учун Занжибар ва Пемба оролларидаги партиянинг ҳамма бўлимларидан 1500 дан кўпроқ делегат съездга тўпланишди. Улар барча партия ва давлат муассасаларининг ҳисобот даврдаги ишини батафсил ўрганадилар, Танзаниянинг орол қисмини социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқадилар, муҳим ички, сиёсий масалаларни ҳал қиладилар. Афро-Ширози партиясининг олий органи жумладан Занжибар ва Пемба оролларини ривожлантиришнинг янги уч йиллик планини тасдиқлайди.

Партия раиси Абуд Жумбе Афро-Ширози партиясининг уч йиллик фаолияти тўғрисида ҳисобот доклад қилди.

Съездда жаҳоннинг 32 мамлакатидан келган партия делегациялари, миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари, шу жумладан КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. В. Лебедев бошчилигидаги КПСС делегацияси иштирок этмоқда.

(ТАСС).

ЛУАНДА. Анголани мустақил деб эълон қилишда МПЛА жангчилари билан бирга болалар ҳам бир сафда туриб курашдилар. Адолат тантана қилди. Суратда: Ангола учун жанг қилганлардан бир группаси.

Политикен—ТАСС фотоси.



КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

ШАҲРИМИЗНИНГ кенжа Собир Раҳимов райони кун сайин чирой очмоқда. Бу ер турли қурилишлар олиб борилмоқда, янги кўчалар барпо қилинмоқда. Яқинда бинокорлар кичкинтойларга ажойиб совға тайёрлашди. Нозимахоним кўчасида 140 ўринли типовой болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди.

У Беруний маҳалласида яшовчи ўғил-қизларни ўз қучоғига олди. Малакали тарбиячилар болалар тарбияси билан шуғулланмоқдалар.

Янги боғчани айланар экансиз, кичкинтойларга барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Дам олиш хонаси, катта зал ва бошқа қўшимча бинолларда олти группа болалар машғулот ўтказишаяпти.

277-болалар боғчасини «Главташкентстрой»нинг 6-трестига қарашли 33-қурилиш бошқармаси қурувчилари қўлдан чиқардилар. Бинокорлар кичкинтойлар масканининг ўз вақтида битиши учун бор имкониятларини ишга солдилар. Уларнинг бу ажойиб совғаларидан ота-оналар мамнун бўлишди.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Суратларда: 1. Катта группа тарбиячиси Сайёра Усмонова болалар билан машғулот ўтказмоқда. 2. Боғчанинг умумий кўриниши.

Автор фотолари.

ҚИШ ҒАМИДА

Ангрендаги 7-автобаза коллективи республикамиздаги энг илғор автохўжаликлардан биридир. Бу автобазанинг машиналарини Ангренда ҳам, Фарғона водийсида ҳам, қўриқ ва бўз ерларда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам кўриш мумкин. Ангренликлар бунёдкорлик объектларига цемент, ғишт, металл, темирбетон буюмлари ва конструкциялари, бошқа қурилиш материалларини етказиб берадилар.

Тўққизинчи беш йиллик даврида бу автобазада юк ташиш ҳажми 56 процентга ўсди. Меҳнат унумдорлиги 37 ўрнига 40,3 процентга ошди.

Бу муваффақиятларда халқ назоратчиларининг ҳиссаси бор. Автобаза халқ контроли группасига 50 киши бирлашган. Уларнинг орасида шоферни ҳам, инженер-техник ходимни ҳам кўриш мумкин. Корхона аҳли Э. Нишонов, В. Мелихов, А. Акулов, Т. Муҳиддинов каби ишда илғор актив назоратчилар номини фахр билан тилга олишади.

Алексей Ли бошлиқ назоратчилар меҳнат унумдорлигини ошириш, ёнилғини тежаб-тергаб сарфлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, умуман автохўжалик фаолиятининг ҳамма қирралари бўйича тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб туришади.

Ўтган йили автобазада иккита сув колонкаси бўлиб, шоферлар иссиқ сув олиш учун узоқ вақт навбат кутиб туриб қолишарди. Бу йил қўшимча учта колонка ўрнатилди. Бу тадбир ҳам иш вақтини тежаш йўлида катта имкониятлар туғдирди.

Ҳозирда шина цехи қад кўтармоқда. Унинг фойдали иш майдони 864 квадрат метрга тенг бўлади. У ерда камералар ремонт қилинади, шиналарнинг монтаж ва демонтаж ишлари бажарилади.

Қиш пайтида ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мақсадида бир қатор янгиликлар қўлланди. Агрегат цехида машина қисмлари ремонтини тезлаштирадиган ускуна ўрнатилди, универсал стенд ташкил этилди.

Халқ назоратчилари қишга тайёргарлик масаласида яна текшириш ва рейдлар ўтказишаяпти. Текшириш якунлари партия ташкилоти, умумий йиғилишларда кўрилмоқда, тадбирлар белгиланмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

ЎН БОЛАНИНГ ОНАСИ

Маҳалладошлари Ойпошша Ориповани янги унвон билан қизғин қутлашди. СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан сағбонлик Ойпошша опага ўн болани туғиб ва тарбиялаб вояга етказганлиги учун «Қаҳрамон она» унвони берилган эди.

Ойпошша «Иттифоқ» маҳалласида очилган артелга саккизинчи синфни тамомлаб келган эди. Шу ерда чорак аср меҳнат қилди. Бу орада уйли-жойли, болачақали бўлди. Ҳозир у ўн боланинг онаси. Қизлари Дилором ва Дилбар Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг моҳир чеварлари бўлиб етишишган. Ўғли Мўмин эса 2-нон заводининг ишчиси. Бошқа фарзандлари 11-мактабда ва 81 боғчада тарбия кўришмоқда. Қаҳрамон она фарзандлари тарбияси устида алоҳида қайғуради.

Ф. НУРИДДИНОВ.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

СЪЕЗДДАН—СЪЕЗДГАЧА

КПСС XXIV съездидан бўён ўтган вақт ичида мамлакатимиз кинематографчилари ўнлаб бадиий ва ҳужжатли лента яратдилар. Бу янги фильмлар Иттифоқ санъат соҳасида муҳим янгиликлар сифатида юксак баҳоланди. Ҳозир бу лента-лар «Съездан съездгача» номи билан ўтаётган кинофестиваль муносабати билан Тошкент кино-театрларида намойиш қилинаётир.

«Қизлар —оналар», «Обком секретари», «Мукофот», «Само мен билан», «Аёл ҳақида қисса», «Сибирлик қиз» каби бир қатор лента-лар билан шаҳар меҳнаткашлари танишишга улгурдилар. Айни кунларда шу ва бошқа фильмлар пойтахтдаги «Чайка», «Дўстлик», «Нукус», «Москва», «Комсомол 30 йиллиги» кино-театрларида намойиш қилинаётир.

МУЗИКА ШИНАВАНДАЛАРИ УЧУН

Ҳар якшанба куни соат 3 да бу залга музикага ихлос қўйган ишчилар, студентлар, ўқувчилар тўпланишади. Саҳнага музикашунос чиқиб, навбатдаги лекция-концертни бошлайди.

Узбекистон Давлат филармонияси музика санъати пропагандасига алоҳида эътибор бермоқда.

Партиямиз XXV съезди графасида лекторийнинг янги мавсуми бошланди. Программага совет композиторларининг Ленин, партия, Ватанга бағишланган қўшиқлари киритилган. Улар сода ва тингловчилар қалбига тез етиб боради.

Лекторий машғулотларида ўзбек музика санъати пропагандасига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Мухтор Ашрафий, Собир Боболев, Сулаймон Юдаков, Мутал Бурҳонов каби етук композиторлар асарларини ижро этиш учун республиканинг энг яхши оркестрлари ва санъаткорлари жалб қилинмоқда.

ДАВР ҚИЗЛАРИ

Халқаро хотин-қизлар йилига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар қўлами ой сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир маданият ва истироҳат боғларидаги лекторийлар томошабинлар ва тингловчилар билан гавжум бўлмоқда. Уларда социалистик қурилиш фронтларида фидокорлик кўрсатган оналар, опалар ва сингиллар ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар кенг намойиш қилинмоқда.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғи лекторийсида қўйилаётган «Бизнинг Чайка» фильмини ҳамшаҳарларимиз зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Бу фильмда биринчи космонавт аёл Валентина Николаева-Терешкова ҳақида ҳикоя қилинган. Фильм олдидан қисқагина суҳбат бўлди. Унда космонавт аёлнинг жасорати, босиб ўтган шонли йўли ҳақида гап кетди. Кинолекторий программасига революционер аёллар, давлат арбоблари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар ҳам киритилган.

„ТИЛСИЗ ГУВОҲ"ЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

...Жиноят қидирув органлари ходимларининг боши қотиб қолди. Тунда йўл чеккасидан топилган мурданинг қотили жуда «пихини ёрган»лардан экан шекилли, ҳеч қандай из қолдирмапти. Бунинг устига эзиб ёққан ёмғир изларни ҳам ювиб кетганди. Ердамга Узбекистон суд-экспертизаси илмий текшириш институти олимлари келишди. Сиқиқлаб ўрганишлардан сўнг калаванинг учи топилди.

Экспертлар орасида бир фикр кенг тарқалган: ҳар қандай уста, айёр жиноятчи ҳам албатта бирор из қолдиради. Криминалистлар бу изларни «тилсиз гувоҳ»лар деб аташади. Улар энг илғор методика асосида «тилсиз гувоҳ»ларни «гапиришга» мажбур қиладилар, энг оғир жиноятларнинг ҳам тагига етадилар...

СИРЛИ ХАТ

Турли ташкилотларга, милиция бўлимларига «М» исмли аёл устидан имзосиз хатлар туша бошлади. Аёл ишлайдиган ердан, унинг уйидан комиссиялар оёғи узилмай қолди. Лекин, ҳеч қандай иш чиқмади. «М»нинг меҳнатсеварлиги, коллективда катта обрў қозонганлиги факт эди. «Юмалоқ» хат тасдиқланмади. Хўш, кўплаб кишиларнинг қиммати вақтини ўғирлаган, одамларни чалғитмоқчи бўлган ва ивғоғар ким бўлди?

Хужжатларни техник-криминалистик текшириш лабораториясининг катта илмий ходими, юридик фанлар кандидати Аркадий Михайлович Питимиров олдида ана шу саволга жавоб топиш вазифаси турар эди.

— Қўлимиздаги имзосиз хатларни диққат билан ўрганиб чиқдик, — дейди Аркадий Михайлович. — Текшириш давомида ультрабинафша нурлар бизга катта ёрдам берди. Маълум бўлишича, хатлар иккита машинкада ёзилган бўлиб, уларнинг муаллифи анчагина маълумотли одам эди. «Юмалоқ» хатлар иккита машинкада ёзилганлиги учун ивғоғар иш жойини ўзгартирган, деган хулосага келдик. Узоқ кидириш ва ўрганишлардан сўнг бир пайтлар «М» исмли аёл билан бирга ишлаган «С» исмли шахс шубҳа остига олинди. Унинг ҳозир ишлаётган еридаги машинкалар ёзувидан намуналар кўчирилди.

Хатларни бир-бирига солиштириш, уларда тез-тез учрайдиган умумий фикрлар, шрифтларнинг айнанлиги, хулласи ҳаммаси «С» имзосиз хатлар автори эканлигидан далолат бериб турар эди. Аркадий Михайлович терговчига жиноятчи рад қила олмайдиган далил ва исботларни тайёрлаб берди...

— Лабораториямизда шунингдек, қалбаки ҳужжатлар ҳам текширилади, — деб давом этди А. Питимиров. — Жиноятчи қанчалик усталик қилиб қалбаки ҳужжат ясамасин, барибир тумшуғидан илинади.

...Юридик фанлари кандидати Нафиса Абдусатторова бошчилик қилаётган қўлёзма дастхатларни суд экспертизасидан ўтказиш лабораторияси олимлари ҳам турли жумбоқлар сирини очишда катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда.

Бу ҳақда Нафиса Хусановнанинг ўзи шундай дейди:

— Экспертларимиз жиноятни очишда, ивғо хатлари ёзган шахсларни аниқлашда янги-янги методларни қўлланмоқдалар. Жумладан, лабораториямизда ўзбек, туркман, қорақалпоқ ёзувлари диққат билан ўрганиб чиқилди. Эндиликда экспертларимиз бизга текширишга берилган хатларни қайси миллат вакиллари ёзганлигини ҳам аниқ айтиб бера оладилар.

Лабораториямиз мутахассислари тажрибали криминалистлардир. Ростов, Харьков, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги ҳамкасбларимиз тез-тез тажриба ўрганиш учун келиб турадилар...

— Баъзан ёндириб юборилган ҳужжатлардаги ёзувларни беркитиқча ёзилган хатларни ҳам ўқишга тўғри келади, — давом этади Нафиса Хусановна. — Бундай пайтларда ультра бинафша нурлар, кимёвий ёритиш усуллари, кимёвий моддаларни қўллаш туфайли ҳатто устига турли хил бўёқлар атайин тўкилган ёки ёндириб юборилган хат ва ҳужжатлардаги ёзувларни ҳам ўқишга муваффақ бўлмоқдамиз.

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНАДИ...

Икки шаҳарни боғловчи магистрал йўл чеккасида бир кишини машина босиб кетганлиги тўғрисидаги хабар бир зумда милиция ходимларини оёққа турғазди. Мурданинг ёнида пачоқланиб кетган моторли велосипед ҳам ётар эди.

Жиноят қидирув органлари авария содир бўлган ерда автомобиль ғилдиракларининг изи-ю, машина фарасининг синиқ парчаларидан бўлак ҳеч нарса топа олмадилар.

Терговчига институт суд-баллистика ва трасссологик текширувлар лабораториясининг мутахассислари ёрдам бердилар. Экспертлар калаванинг учини топиш учун қуйидаги масалаларни ҳал этишлари керак эди:

— Йўлда қолдирилган ғилдирак изларн транспорт воситаларининг қандай турларига тегишли?

— Фараларнинг синиқ парчалари қандай машиналар учун белгиланган?

Бу саволларга жавоб топиш учун «тилсиз гувоҳ»ларни «гапиртириш» керак эди. Трансколог-экспертлар синиқ парча ва ғилдирак изларини ўрганиб, улар «Жигули» автомобилига тегишли эканлигини аниқлашди.

Тез орада фараси синган, ён тарафи қаттиқ зарбдан пачоқланган «Жигули» машинасининг эгаси қўлга олинди. Аммо у ўз айбини тан олмади. Терговчи машинани кўздан кечираётиб, прожектори ичидан яна бир неча синиқ парчалар топди. Сўнг экспертларга мурожаат қилинди.

Суд-экспертизаси мутахассислари қўшимча далилларга эга бўлиб, машинанинг синиқ прожекторлари ичидан олинган парчалар авария юз берган ердан топилган автомобиль фарасининг синиқ парчалари билан биргаликда бир бутун прожекторни ҳосил қилганлигини аниқлашди. Энди терговчи олдида «Жигули»ни эгаси ўша мурданинг қотили эканлиги рад этиб бўлмас ашёвий далиллар бор эди...

Институт мутахассислари очган жиноятлардан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Криминалистлар ўғрилик ва кўзбўямачилик, эўравонлик ва безорилларга қарши самарали кураш олиб бормоқдалар. Энг янги аппаратуралар билан жиҳозланган лабораториялар уларга экспертизани тез ва аниқ олиб боришга имкон бермоқда.

— Биргина шу йилнинг ўзида кўплаб спектор, фотометр, хромотограф сингари замонавий аппаратларни сотиб олдик, — дейди институт директори ўринбосари Ботир Ғуломович Олимжонов. — Ана шу асбоб-ускуналар, электрон-ҳисоблаш техникаси туфайли биз фош қилаётган жиноятлар доираси янада кенгайди, тергов органлари билан алоқамиз мустаҳкамланди.

Суд экспертизачилари жиноятнинг олдини олиш борасида ҳам кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Мактаблар, билим юртлари ва турли ташкилотларда ўтказилаётган суҳбат ва лекциялар, профилактик тадбирлар шулар жумласидандир. Айниқса, профилактик тадбирларнинг фойдаси катта бўлмоқда.

«Тилсиз гувоҳлар»... Улар бағрида қанчадан қанча сирлар яширинмаган, дейсиз! Қотил беркинган ер, бегуноҳ одамлар тақдири, жиноят сабаблари... Криминалистлар шу сирлар тубига йўл топиб, кишилар тақдирини ҳал қилмоқдалар.

А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

М. Горький номли проспект тобора чирой очмоқда. Бу ерда қурилаётган кўп қаватли бинолар, турли маданий-маиший объектлар узининг кўркамлиги, чиройлилиги билан киши ҳавасини келтиради. Суратда: Горький проспектида.

М. Нуриддинов фотоси.

Спорт

ИККИНЧИ УЧРАШУВДА ҒАЛАБА

АҚШда меҳмон бўлиб турган совет боксчилари Огайо штатининг Цинциннати шаҳрида америкалик оғир вазнли боксчилар билан иккинчи учрашув ўтказдилар. Биринчи баҳсда майдон эгалари 6:4 ҳисобида ғолиб чиқишган эди. Бу гал совет боксчилари ташаббусни қўлга олиб, муҳим ғалабага эришдилар.

СССР терма командаси аъзоларидан Рихсиев, Алексеев, Климанов, Никулин, Иванов, Ульянич ва Горстков америкалик боксчилар билан бўлган оғир «жанг»ларда ғолиб чиқдилар. Умумий ҳисоб совет боксчилари фойдасига 7:2 бўлди. Ватандошларимиз АҚШда яна битта учрашув ўтказиб, сўнг Москвага қайтиб келадилар.

МЕДАЛЛАР МУБОРАК

Севастополь шаҳрида бўлиб ўтган «Спартак» кўнгилли спорт жамияти марказий Совети чемпионатида Ўзбекистонлик боксчилардан саккиз киши олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. Томошабинлар тошкентлик енгил вазнли боксчи Григорий Муллаевнинг чиқишини айниқса зўр қизиқиш билан кузатдилар. У финалда кучли рақиби краснодарлик Анатолий Жильцов устидан муваффақият қозониб, жамият чемпиони унвонига эришди. Иккинчи ярим ўрта вазнда ҳам Ўзбекистонлик боксчи Игорь Каржамановга тенг келадиган спортчи топилмади. У финалда кўпгина халқаро турнирлар ғолиби минсклик боксчи Георгий Новиковни мағлубиятга учратди.

Тошкентлик боксчилардан Виктор Платанин ва Владимир Желнов кумуш медални қўлга киритдилар. Бронза медали эса Абдулла Қодирохунов, Алик Ли, Валерий Желнов ва Абдусаттор Назаровга насиб бўлди. Умумкоманда ҳисобида Ўзбекистонлик боксчилар РСФСР ва Украинадан кейин учинчи ўринни эгаллашди.

ОЛТИ ТУРДАН СЎНГ

Азиддин Хўжаев хотира совғини учун Тошкентда ўтказилаётган шахматчилар мусобақаси кескин спорт кураши билан ўтмоқда. Учрашув қатнашчилари ярим йўлни босиб ўтишди. Олтинчи турда М. Мухин Цамрюкни, Григорьян Г. Аъзамовни, Рудерфер Е. Мухинни, Борисенко эса Ивановни мағлубиятга учратди. Олти турдан сўнг М. Мухин 4,5 очко билан турнир пешқадами бўлиб турибди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

САЛОМАТЛИК МУЗЕЙИДА

КЕЙИНГИ пайтларда Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги саломатлик музейининг экспозициялари кўпайиб бормоқда. Бу ерда республикада соғлиқни сақлаш борасида қўлга киритилган ютуқлар ўз аксини топган.

Яқинда «Одам анатомияси ва физиологияси», «Усмирлар ва қизлар гигиенаси», «Касалликлар профилактикаси» сингари экспозициялар ташкил қилинди. Уларда ошқозон касаллигининг олдини олиш, юрак хасталикларига қарши кураш ва бошқа муҳим масалалар ифода қилинган.

Музейда тажрибали мутахассислар медицина тарихи ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадилар. Бу тадбирлар музейга экскурсияга келган томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Т. ЮСУПОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1976 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА, 18.15—ТОШКЕНТ. 18.20 — Мультфильм, 18.40 — «Ахборот», 18.55 — Оила учун ким жавобгар? 19.25 — «Ахборот». 19.45 — МОСКВА. Съезддан-съездгача. 22.00 — «Вақт». 22.30— ТОШКЕНТ. Пахтазор — мардлар майдони. 22.45— Назм ва наво. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув курсатуви. 18.15 — МОСКВА. 19.00 —Янгиликлар. 19.25 — Музикали календарь. 19.45 — ТОШКЕНТ. 19.55 — Биз 70-йиллар комсомоли. 20.25 — — Империянинг ҳалокати (бадиий фильм). 22.00 — Жанговар постда. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 20.25 — Концерт. 21.10 — Тошкент янгиликлари. 21.25 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.55 — Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/XI да Кўрмайин босдим тиконни, (билетлар сотилган) 22/XI да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/XI да Хонзода хоним, 22/XI да Олифта.

КИНО

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Оқ тиш — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОГИСТОН», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.00).

Турк найзаси — НАВОИЙ номли, «НУКУС», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОГИСТОН» (жуфт соатларда).

ҚАРШИ КЕРАМИКА-ДРЕНАЖ ТРУБАЛАРИ ЗАВОДИГА

КЭМО прессчи-операторлари ва оператор ёрдамчилари, юк ташувчилар, прессни созловчилар, қуритиш барабанлари операторлари, кран-балнага хизмат кўрсатадиган ишчилар, тоннель печкаларини тушировчилар, тегирмончилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай, ҳамда меҳнат ҳақига 40 процент коэффициент тўланади.

Мурожаат учун адрес: Қарши шаҳри, керамика-дренаж трубалар заводи.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлими ва медицина ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда «Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси қошидаги медицина-санитария бўлими шу медицина-санитария бўлимининг врачи Ҳ. Азизова отаси

Собир АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 02801. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3477.